

Ўзбекистон Республикаси  
Монополияга қарши курашиш  
қўмитасининг 2020 йил 3 сентябрдаги  
№704/02-11-сонли хатига илова

## **Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА №**

### **I. Умумий маълумотлар**

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

#### **1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:**

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва савдо вазирлиги.

#### **2. Лойиҳанинг номи ва тури:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси.

#### **3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:**

Жорий йил 2 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигига ўтказилган йифилиш давомида берилган топшириққа (48-сон баённинг 19-бандига) мувофиқ ишлаб чиқилган.

#### **4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:**

Афғонистон Ислом Республикаси билан ўзаро савдони янада эркинлаштириш, икки давлат тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда ўзаро савдо ҳажмларини ошириш кўзда тутилган.

### **II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гурухлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган хужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар**

#### **5. Хужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гурух иштирокчиларининг таснифи:**

**тадбиркорлик субъектлари гурухлари – “Ўзбек-Афғон савдо-логистика маркази” МЧЖ, “Термиз Карго” МЧЖ;**

**давлат органлари гурухи – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Савдо-саноат палатаси, Навоий ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари;**

**бошқа иштирокчилар гурухи муносабатлари – .**

**6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар.**

#### 6.1. Қарор лойиҳасининг:

9-бандида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги муассислигида “Ўзбек-Афғон савдо-логистика маркази” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиши;

10-бандида Афғонистон Ислом Республикасига экспорт ҳажмини ошириш мақсадида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан “Ўзбек-Афғон савдо-логистика маркази” масъулияти чекланган жамияти таъсисчилигида Афғонистоннинг Қобул ва Мозори-Шариф шаҳарларида республиканинг тармоқ хўжалик бирлашмаларининг марказлашган қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини етказиб берувчи савдо уйларини ташкил этиш чоралари кўрилиши кўрсатилган.

### **III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили**

#### **7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози**

7.1. Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг **фаолиятнинг бирор бир соҳасида янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этишга чекловлар жорий этиши**, шунингдек фаолиятнинг айrim турларини амалга оширишни ёки муайян товарлар ишлаб чиқаришни ман этиши, айrim хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган **бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асосиз равишда бериши таъкиданиши кўрсатилган**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепцияси”да хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, соғлом рақобат муҳитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив ҳуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар **бериш амалиётидан возкечиш** кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПФ-6019-сонли Фармонининг 2-бандига** мувофиқ давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларининг ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг (мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлик

мақсадларида бундан мустасно) таъсис этилишига битта товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган соҳаларда йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қарор лойиҳасидан 9-бандни ҳамда 10-банддан “томонидан “Ўзбек-Афғон савдо-логистика маркази” масъулияти чекланган жамияти тасъсичилигида” сўзларини чиқариб ташлаш лозим.

#### IV. ХУЛОСА

Ушбу Қарор лойиҳасини мазкур таҳрирда қабул қилиниши оқибатида фаолиятнинг бирор бир соҳасида янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этишга чекловлар жорий этилиши, шунингдек фаолиятнинг айrim турларини амалга оширишни ёки муайян товарлар ишлаб чиқаришни ман этиши, айrim хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда берилишига олиб келиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қарор лойиҳасининг 9 ва 10-бандлари “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепциясига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сонли Фармонининг 2-банди талабларига зид эканлигини инобатга олиб, қарор лойиҳасидан 9-бандни ҳамда 10-банддан “томонидан “Ўзбек-Афғон савдо-логистика маркази” масъулияти чекланган жамияти тасъсичилигида” сўзларини чиқариб ташлагандан сўнг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ хисобланади.